

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қумқўрғон тумани Кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди.



Мазкур конференцияда Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси, Қумқўрғон тумани ҳокими ўринбосари, ташкилот раҳбарлари, иттифоқнинг корхона, ташкилот, таълим муассасалари ҳамда бошланғич ташкилотлари ҳисобот сайлов йиғилишларида сайланган 138 нафар делегатлар, яъни тумандаги Иттифоқнинг бошланғич ташкилот етакчилари ва фаол ёшлар иштирок этди.

Конференция давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қумқўрғон туман Кенгашининг 2017-2022-йиллар давомида амалга оширган ишлари юзасидан умумий ҳисоботи ҳамда назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари тингланиб, унда ўтган давр мобайнида маҳаллий Кенгаш томонидан ташкилотнинг белгиланган муҳим вазифа ва мақсадларини амалга оширишда эришган ютуқлари сарҳисоб қилинди.

Конференция якунида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қумқўрғон тумани Кенгаши раиси лавозимида ишлаб келаётган Каримов Азиз Шомуротович мазкур лавозимга қайта сайланди.